2015 йил 28 июль, сешанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 153 (12.966)

Баҳоси эркин нархда

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27 июль куни Оқсаройда АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони Ллойд Остинни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, Ўзбекистон Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги ўзаро манфаатларга асосланган муносабатлар амалий хусусиятга эга эканини таъкидлади.

Турли даража ва йўналишлардаги доимий мулоқотлар Ўзбекистон ва АҚШга кўпқиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил ривожлантириш имкониятини бераётгани қайд этилди.

Учрашувда айрим халқаро муаммолар, жумладан, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда ўзаро ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди, Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш жараёнлари хусусида фикр алмашилди.

Ллойд Остин Президент Ислом Каримовга самимий қабул ва Ўзбекистон — АҚШ муносабатларининг бугунги ҳолати ва ривожлантириш истиқболларини атрофлича муҳокама этиш имконияти яратилгани учун миннатдорлик билдирди.

**(ЎзА)**

**Ягонасан, муқаддас Ватан!**

## ЭНГ ЯХШИ ҚЎШИҚЛАР — ВАТАН ҲАҚИДА

***Яхши куй-қўшиқ инсон қалбининг нозик торларини чертиб, унга маънавий қувват бағишлайди. Агар у Ватан мадҳига, юрт шаънига бағишланган бўлса, аҳамияти янада юксалади.***

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 7 апрелдаги «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ташкил этилаётган танлов ана шундай эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

Пойтахтимизда ушбу кўрик-танловнинг Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тизимидаги якуний босқичи бўлиб ўтди.

Мустақиллик йилларида эришган улкан ютуқларимизни, тинч ва фаровон ҳаётимизни ҳамда ҳарбий-ватанпарварликни тараннум этувчи энг сара қўшиқларни халқимизнинг маънавий мулкига айлантириш, уларнинг муаллиф ва ижрочиларини муносиб рағбатлантириш мақсадида ўтказиб келинаётган мазкур танловда ҳарбий қисм ва муассасаларнинг профессионал ҳамда ҳаваскор ижрочилари иштирок этди.

Танлов якунига кўра ҳарбий ватанпарварлик йўналишида Қуролли Кучлар хизматчилари Зарнигор Умарова, Бегзод Холмирзаев ва Шерзод Набихўжаев, саф қўшиқлари бўйича сержант Бобомурод Нуратов, эстрада йўналишида муддатли ҳарбий хизматчи, оддий аскар Ваҳоб Нортожиев биринчи ўринга лойиқ топилди.

– Ватан ҳақида куйлаш улкан шараф ва масъулиятдир. Энг улуғ, энг азиз айём – мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллик тантанаси арафасида шундай нуфузли танловда иштирок этиш катта бахт, – дейди оддий аскар В.Нортожиев. – Ватан ҳимоясида собит турган ҳолда куй-қўшиқларимиз билан юртдошларимизни янги-янги марраларни забт этишга чорлаётганимиздан мамнунмиз.

Ғолиблар «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг мамлакат босқичида иштирок этади.

**З.ЖОНИБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири**

# БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

МУСТАҚИЛЛИК • INDEPENDENCE • НЕЗАВИСИМОСТЬ 24 O'ZBEKISTON







## БЕКТЕМИР ТУМАНИ: ТАРАҚҚИЁТ ВА РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА





***Ҳозирги кунда ер юзида уч мингга яқин миллат мавжуд бўлиб, уларнинг фақат 200 дан кўпроғини ўзининг мустақил давлати бор. Мустақиллик – бу сўзнинг нақадар буюк тушунча эканлигини озод диёри бўлмаган одамлар кўпроқ ҳис этишади. Ўз мустақиллигига эга бўлган мамлакатнинг фуқаролари эса ушбу буюк неъматни асраб-авайлаш, унинг қадрига етишга интилади. Эркин ва озод мамлакат бўлиб шаклланган кунни эса доимо катта байрам-тантаналари билан ўтказади.***

Мана 24 йилдирки, бизнинг Ўзбекистонимизда ҳам ана шундай байрам нишонланиб келинмоқда. Ҳар йили энг улуғ, энг азиз шодиёна сифатида ушбу байрам юртимизнинг барча гўшаларида катта тантана билан ўтказилади. Президентимизнинг жорий йил 17 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига асосан мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга қаратилган тадбирлар бошлаб юборилди.

«Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!» деган эзгу ғоя асосида юртимизнинг барча гўшаларида байрамни муносиб кутиб олиш, уни кўтаринки руҳда нишонлаш учун катта тайёргарлик кўрилмоқда. Кўчалар, хиёбонлар, маҳалла гузарлари, таълим масканлари, корхона ва ташкилотлар ён атрофи, қўйингки, ҳаммаёқ орасталаниб, ободонлаштирилмоқда. Айём арафасида янгидан қурилган иншоотлар фойдаланишга топширилаётир. Бу борадаги ишлар пойтахтимизнинг Бектемир туманида ҳам қизғин давом этмоқда. Туман аҳолиси байрамни ҳар йилгидан ўзгача руҳда ўтказишга бел боғлаган. У ерга борган киши бир қарашдаёқ бунга яққол гувоҳ бўлади.

Бектемир тумани мустақиллик йилларида жуда катта ижобий ўзгаришларни бошдан кечирди. Янгидан янги иншоотлар, аҳоли турар ва дам олиш масканлари, спорт мажмуалари, завод ва фабрикалар ҳамда равон йўллар қурилди. Туман иқтисодиёти ривожланиб, аҳолининг яшаш шароити яхшиланди. Буни маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва экспортдаги муттасил ўсишлардан ҳам англаш қийин эмас. Биргина жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида саноат, истеъмол моллари ишлаб чиқариш, қурилиш, чакана савдо айланмаси, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришда бир мунча ўсишга эришилди. Ўтган давр мобайнида ҳудудий корхоналар томонидан 31,6 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

«Маҳаллийлаштириш» Дастури доирасида 6 та корхона томонидан 15 та лойиҳа бўйича 8,6 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда 21,3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. «2013-2015 йилларда Бектемир туманини ҳудудий иқтисодий ривожлантириш» дастури доирасида 75 та лойиҳа ишга туширилиши мўлжалланган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмида 21 та лойиҳа ишга туширилиб, 245 та янги иш ўринлари яратилди. Ишлаб чиқариш корхоналарининг самарали ишлаши, янги корхоналарнинг ишга туширилиши аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Туман мутасаддилари томонидан аҳолининг яшаш шароитини яхшилашга доимий эътибор қаратиб келинади. Кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи ширкатлар томонидан куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ишлари давом этмоқда. Уйларнинг том қисмлари ва кириш йўлакларида таъмирлаш ишлари олиб борилиб, 5 та мактаб, 12 та мактабгача таълим муассасаси, 1 та мусиқа мактаби, битта коллеж ва лицей ёшлар камолоти йўлида хизмат қилмоқда. Аҳоли саломатлигини тиклашда 450 ўринга мўлжалланган иккита поликлиника иш олиб боради. Шунингдек, иккита маданият уйи, иккита дам олиш маскани, худди шунча спорт мажмуаси ва битта стадион самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Бектемир тумани фан-таълим, спорт, ишлаб чиқариш, қурилиш-бунёдкорлик, ободонлаштириш каби кўплаб соҳаларда юқори натижаларни қайд этиб келмоқда.

**(Бектемир туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз).**

**XXI аср садоси**

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Наманганда маҳалла институтини янада такомиллаштириш, ташкилий ва иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, унинг фуқаролик жамиятидаги ролини кучайтириш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.**

**• Хива тумани Саёт маданият ва аҳоли дам олиш марказида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги маданият ва аҳоли дам олиш марказлари директорларининг минтақавий семинари ўтказилди.**

**• Термизда «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!» шиори остида аёллар спорт фестивали бўлиб ўтди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, вилоят ҳокимлиги ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда уч юз нафардан зиёд хотин-қиз спортнинг енгил атлетика, дартс, гимнастрада, стол теннизи, волейбол, сузиш, шахмат турлари бўйича ўзаро баҳслашди.**

**• Нукусда Ўзбекистон Республикасининг «Экологик назорат тўғрисида»ги қонуни амалиётда қўлланилишини назорат-таҳлил фаолияти тартибида ўрганиш якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

**• Сирдарёда «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Қонун лойиҳаси амалдаги қонунга нисбатан янги моддалар билан тўлдирилмоқда. Давра суҳбатида қонуннинг мазмун-моҳияти, киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг фармацевтика саноати ривожи ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишдаги аҳамияти хусусида атрофлича сўз юритилди.**

### ЖАҲОНДА

**• NASAнинг қурилмаси 1972 йилдан бери биринчи марта тўлиқ Ерни суратга олди. Охирги марта шунга ўхшаш сурат Ойга учиб кетаётган «Аполлон-17» миссияси астронавтлари томонидан суратга олинганди. Янги фотосурат Ер ва Қуёш ўртасидаги Лагранжа деб аталадиган нуқтада турган DSCOVR фазовий қурилмаси томонидан олинган (мазкур нуқтада қурилма сайёра ва юлдузга нисбатан қимирламасдан туради). DSCOVR ҳозирги вақтда Ердан тахминан 1,5 миллион километр узоқликда жойлашган. Мазкур суратнинг Ер сатҳининг бошқа фотоларидан асосий фарқи — у бир вақтнинг ўзида олинган, бошқа фотосуратлар эса кўплаб суратларни жамлаш орқали ҳосил қилинади, чунки паст орбитада учаётган сунъий йўлдошлар Ерни бутунлигича суратга ололмайди.**

**• Mitsubishi Motors корпорацияси АҚШда автомобиллар ишлаб чиқаришни тўхтатиб, ўз эътиборини ўсиб бораётган Осиё бозорига қаратиш ниятида. Ушбу маълумот АҚШда Mitsubishi машиналарига эҳтиёж пасайиб бораётган пайтда ва компаниянинг Иллинойсдаги ягона заводи билан ишлаб чиқариш шартномаси муддати якунланишидан аввал пайдо бўлди. Mitsubishi Motors North America вакили компания Nikkei хабарини изоҳламаслигини маълум қилди. Айтишларича, 2000 йилларда Иллинойсдаги завод йилига 200 мингдан зиёд автомобиль ишлаб чиқарган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 70 мингга ҳам етмаган.**





# БЕКТЕМИР ТУМАНИ: ТАРАҚҚИЁТ ВА РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА





## МАҲАЛЛА КЎРКАМ — ЮРТ ОБОД

***Мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, бирдамлик каби тушунчаларни ўзида намоён этган – маҳалла деб аталмиш бир гўша бор. Бу масканда миллийлик, урф-одат ва анъаналар бардавомийлиги мужассам. Ёшларнинг одоб-ахлоқли, теран фикрлайдиган, ватанига садоқатли бўлиб ўсишида, ота-она, оиласига меҳр-оқибатли бўлишида, катталарга ҳурматда, кичикларга эса иззатда бўлишда маҳалланинг ўрни беқиёсдир.***

«Маҳалла ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг кўзгусидир, – деган эди давлатимиз раҳбари Ислом Каримов. – Халқимизнинг энг яхши анъаналари, урф-одатлари, хусусан меҳр-шафқат, мурувват, тўйда ҳам, азада ҳам эл-улуснинг ҳамжиҳатлиги маҳалла ҳаётида ёрқин намоён бўлган ва бўлмоқда. Маҳалла тарбия ўчоғидир. Юриш-туриш, одоб-ахлоқ, жамики фазилатларни ёшлар аввало маҳалладан, аниқроғи, ота-оналари, қўни-қўшнилари, табаррук отахонлари, дуогўй онахонларидан ўрганадилар. Шунинг учун биз маҳаллий бошқарувнинг дастлабки ва муҳим бўғини – маҳаллаларга катта эътибор бермоқдамиз».

Дарҳақиқат, бугун маҳалла давлатимизнинг, ҳуқуқий ва демократик жамиятимизнинг асосий таянчларидан бирига айланди. Шу боис маҳалланинг ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Бугунги кунда Бектемир туманида 12 та маҳалла фуқаролар йиғини бўлиб, «Миришкор» маҳалласи тумандаги намунали маҳаллардан бири. Бугун ушбу гўшада 4 мингдан зиёд аҳоли аҳил ва иноқ истиқомат қилиб келмоқда. Асосан кўп қаватли уйлардан иборат бўлган ушбу маҳаллада энг улуғ ва энг азиз байрамимизни ўзгача кўтаринкилик билан кутиб олиш учун тайёргарлик авжида. Уйларнинг ва бошқа иншоотларнинг ён-атрофи, йўлаклар, кўчалар, болалар майдончаси ва бошқа жойларни тозалаш, ободонлаштириш ишлари кетмоқда.

– Маҳалламиз тумандаги намунали маҳаллалардан бири ҳисобланади, – дейди «Миришкор» маҳалласи раиси Рустам Ҳошимов. – Намунали маҳалла бўлиш учун нафақат обод ва кўркам бўлиш, балки маҳалла тинч-тотув, оилалар фаровон, жиноятчиликнинг олди олинмоғи лозим. Бу борадаги ишларни амалга оширишда жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз. Шунингдек, ёшларимизнинг бандлигини таъминлаш, спорт ва бошқа фойдали ишлар билан шуғулланиши учун имкон даражасида шароит яратишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Маҳаллада ёшларни ёмон иллатларга қўшилиб қолишининг олдини олиш мақсадида турли учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилиб келинади. Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Моҳинур Муҳамедова бошчилигида қизлар билан алоҳида давра суҳбатлари ўтказилади. Бир сўз билан айтганда «Миришкор» барча жабҳада тумандаги илғор маҳаллалардан бири ҳисобланади.

## ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

***Юртимизда аҳоли саломатлигини яхшилаш, оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш, фуқароларимизнинг юқумли касалликлар билан касалланишининг олдини олиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга тиббий муассасаларнинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш, малакали шифокор ва ҳамширалар билан таъминланиши натижасида аҳолининг саломатлиги тобора яхшиланиб бораётир.***

Пойтахтимизнинг Бектемир тумани тиббиёт бирлашмасида ҳам тиббий хизмат кўрсатиш ва моддий техник базани мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилаётир. Туманда иккита даволаш профилактика муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Улар туман марказий кўп тармоқли поликлиникаси ҳамда 6-сонли шаҳар клиник шифохонасидир.

Туман марказий кўп тармоқли поликлиникаси бугунги кунда 31 мингдан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келади. Бу ерда клиник ва биохимик лаборатория, ультратовуш диагностика текшируви, рентген ва флюорография, эндоскопия текшируви, ЭКГ текшируви, массаж ва физиотерапия хоналари, муолажа ва эмлаш хоналари, 20 ўринга мўлжалланган кундузги шифохона фаолият юритмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 августдаги «2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори асосида жорий йилнинг биринчи ярмида 64 фоиздан зиёд аёллар тиббий кўрикдан ўтказилди. Экстрагенитал хасталиги аниқланган 43,7 фоиз аёлларнинг 82 фоиздан ортиғи соғломлаштирилди.

– Тумандаги 12 та маҳалланинг ҳар бири умумий амалиёт шифокорлари билан таъминланган, – дейди бош шифокор ўринбосари Дилфуза Зиёмуҳамедова. – Маҳаллаларда саломатлик сектори тузилган бўлиб, ҳафта кунлари давомида аҳоли билан тарғибот ишлари олиб борилади. 2015 йилнинг биринчи ярми давомида режага кўра 96,4 фоиз аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб, аниқланган касалликлар бўйича соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Жорий йилнинг «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилиниши, кекса авлод вакилларининг саломатлигини яхшилашга бўлган эътиборни янада кучайтирди. Ушбу йилга бағишланган давлат дастури ижросини таъминлаш борасида Бектемир туман тиббиёт бирлашмаси томонидан тумандаги кексаларнинг 97 фоизи тиббий кўрикдан ўтказилди. Улар амбулатор, стационар, уйдаги шифохона ва санатор-курорт шароитида соғломлаштирилди.

Жорий йилда тиббиёт бирлашмаси «Саломатлик — 3» лойиҳаси доирасида кўплаб тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Бирлашмада кадрлар салоҳиятини ошириш, уларнинг билим ва малакасини мунтазам бойитиб бориш доимий эътиборда. Ишдан ажралмаган ҳолда маҳалла шифокорларига семинар машғулотлари ўтказилиб борилади. Бир сўз билан айтганда замонавий асбоб-ускуналар ва малакали шифокорлар аҳолига тез ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатмоқдалар.

## ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС

***Барчамизга яхши маълумки, мамлакатимизда кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланиб бораётир. Ишлаб чиқаришнинг барча йўналишлари, хусусан, тўқимачилик ва трикотаж, озиқ-овқат саноати, автомобилларга эҳтиёт қисмлар, чарм-пойабзал ва шунингдек, бошқа турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқараётган кўплаб корхоналар фаолият олиб бормоқда. Улар қатори дори-дармон маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар сони ҳам тобора кўпайиб бораётир.***

Бектемир туманидаги «ATM Sanita Pharma» хорижий корхона шаклидаги масъулияти чекланган жамияти ана шундай ишлаб чиқариш субъектларидан биридир. 2012 йилда ташкил этилган корхонада «Флаконларда тўкилувчан қуруқ кукунли аралашмалар шаклидаги инъекцион антибактериал препаратларни чиқариш лойиҳаси» доирасида антибиотикларнинг барча асосий гуруҳларини ишлаб чиқариш ташкил этилган. 2013-2014 йиллар давомида қарийб 25 та парентерал антибиотиклар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

– Корхонамиздаги хилма-хил маҳсулотлар асосини Ўзбекистон фармацевтика бозорида катта талабга эга бўлган антибиотиклар: барча авлод цефалоспоринлари, шу жумладан комбинациялашган шакллари ҳам ташкил этади, – дейди корхона раҳбари Азиз Миржўраев. – Яқин келажакда корбопенемлар, глекопептидлар, монобактамлар, полипептидлар каби антимикроб препаратларнинг замонавий гуруҳларини ишлаб чиқаришни режалаштирмоқдамиз. Маҳсулотнинг сифатлилигини таъминлаш учун биз аввало, ишлаб чиқаришгача бўлган жараёнга жиддий эътибор қаратамиз. Бунда хом-ашёнинг сифати, ҳаво муҳити ва сув параметрлари, ходимларнинг технологик кийими, бирламчи ўрама материаллар ва бошқа жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилади.

Юз нафарга яқин ишчи-ходим меҳнат қилаётган корхонада бугунги кунда бир ойда 2,6 миллион флакон дори воситалари ишлаб чиқарилаётир. Дори воситаларининг самараси ва хавфсизлиги республикадаги етакчи клиника ва илмий-тадқиқот институтлари бўлган Ўзбекистон Республикаси Эпидемиология-Микробиология ва Инфекцион касалликлар илмий тадқиқот институти ҳамда Тошкент тиббиёт академияси клиникаси базасида ўтказилган кўп сонли тадқиқотлар билан тасдиқланган.

Корхонада сифатни таъминлаш ва назорат қилиш мустақил хизматлари жаҳон андозалари бўйича тасдиқланган норматив ҳужжатларга мувофиқ юқори сифатли дори воситаларининг кафолатли тарзда ишлаб чиқарилишини таъминлайди.

«ATM Sanita Pharma» жамоаси ўз олдига юртимиз бозорини юқори сифатли дори воситалари билан тўлақонли қондириш, четдан кириб келадиган дори-дармонлар ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда аҳолини юқори самарали ва хавфсиз паретерал антибиотиклар билан таъминлаш каби мақсадлар билан иш олиб бормоқда.

***Бугунги кунда ёш авлодни билимли, соғлом ва жисмонан чиниққан қилиб тарбиялаш билан бирга уларни маънавий олами ва маданий савиясини янада юксалтиришга ҳам эътибор қаратилаётир. Шу мақсадда юртимизнинг барча ҳудудларида мусиқа ва санъатга ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилаётир.***

## КЕЛАЖАГИМИЗ ВОРИСЛАРИ ТАРБИЯЛАНМОҚДА

Яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлар натижасида санъатга эндигина қадам қўяётган ёш истеъдод эгалари кўплаб халқаро танловларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар. Энг муҳими мазкур мактаблар ёш истеъдодларни аниқлаб, миллий санъатимизга муносиб номзодларни етиштиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ана шундай таълим муассасаларидан бири Бектемир туманидаги 30-болалар мусиқа ва санъат мактабидир.

2012 йилда янгидан реконструкция қилинган мазкур мактаб ўқувчиларнинг санъат ва мусиқа соҳасидаги билимларини янада бойитишга хизмат қилмоқда.

Барча шарт-шароитга эга таълим масканида ўқувчиларга тўққизта – фортепиано, скрипка, халқ чолғу асбоблари, хореография, эстрада хонандалиги, актёрлик маҳорати ва бошқа йўналишлар бўйича замонавий билимлар бериб келинмоқда. Асосий эътибор ўқувчиларнинг дарсларни мукаммал эгаллашларига қаратилган. Ҳозирда 207 нафар ўқувчи мусиқа ва санъат сирларини ўрганмоқда. Уларга 28 нафар олий маълумотли ўқитувчилар таълим бериб келмоқда.

– Ўқувчиларимиз пойтахтимиздаги ва республикамиздаги барча кўрик-танловларда мунтазам иштирок этиб келишади, – дейди мактаб директори Ҳусан Акбаров. – Ва юқори кўрсаткичларга эришиб, ғолиблар сафида бўлиб келишмоқда. Уларнинг бу ютуқлари бошқа ўқувчиларимизнинг ўзгача бир иштиёқ, ўзгача бир интилиш билан санъат сирларини ўрганишига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, ўқувчиларимиз туманимиздаги барча байрам тадбирларида ўз чиқишлари билан иштирок этади. Бу уларга амалиёт вазифасини ўташ билан бирга саҳна маданиятини ўрганишида катта ёрдам беради.

Ушбу даргоҳни тамомлаган кўплаб ёшлар бугун мамлакатимизда кўзга кўринган олийгоҳларда ўқишни давом эттиришмоқда. Бундай замонавий масканда таълим олаётган ўқувчилар санъатнинг юқори чўққиларини забт этиб, юртимиз шарафини халқаро санъат фестивалларида муносиб ҳимоя қилади деган умиддамиз.

**Саҳифа материалларини**
**Абдуалим САЛИМОВ тайёрлади**
**Козим Ўлмасов олган суратлар**

## САМАРҚАНДНИ СОҒИНИБ ЯШАЯПМИЗ

***«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали бу йил ўнинчи бор ўтказилади. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ушбу мусиқа анжумани санъат ва маданиятни ривожлантириш, турли миллат ва элатларни санъат воситасида бирлаштириш, тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилиб келмоқда.***

ЎзА мухбирлари аввалги фестивалларда иштирок этган хорижлик санъаткорлар билан интернет орқали боғланиб, уларнинг фикрлари билан қизиқди.

**Диабат ДАУДА, «Ланая» мусиқачилар гуруҳи аъзоси (Буркина Фасо):**

– Кўплаб халқаро маданий анжуманларда иштирок этганмиз, бироқ мамлакатингизда юксак савияда ташкил этилаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали улар орасида энг аълосидир. Фестиваль турли миллатлар санъат асарлари намойиши асносида халқларни ягона мақсад йўлида бирлаштираётгани билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу мусиқа байрами Шарқ оламини ва фалсафасини, беназир гўзаллик ва нафосатни ўзида мужассам этган. Регистонда янграган оҳанг инсон қалбининг энг нозик нуқталарига етиб бориши, қалбларни мафтун этиши табиий. Бу Ўзбекистоннинг халқаро тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қўшаётган катта ҳиссасидир.

2013 йили гуруҳимиз ушбу бетакрор фестивалда биринчи ўринга сазовор бўлди. Ўша ондаги ҳаяжон ва фахр-ифтихоримизни таърифлашга сўз ожиз. Мазкур нуфузли санъат анжуманида иштирок этиш улкан шарафдир. Ана шундай гўзал ва ажойиб фестивални ташкил этаётгани учун Ўзбекистон раҳбариятига самимий миннатдорлик изҳор этамиз. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали аллақачон бутун дунё санъаткорлари қалбидан жой олган, наинки Шарқ, балки жаҳон тароналари анжуманига айланган, десак муболаға бўлмайди.

Мамлакатингиздаги ноёб тарихий-маданий обидаларни томоша қилиб, таълим муассасалари, замонавий маҳаллаларда, боғ ва хиёбонларда бўлиб, олам-олам таассурот олдик. Айниқса, Президент Ислом Каримов ташаббуси билан қишлоқ жойларда намунавий уй-жойлар қурилиб, аҳолига узоқ муддатли кредит асосида берилгани давлатингиз халқпарварлигининг амалий ифодасидир. Замонавий бу уйларда барча шарт-шароит яратилгани эътиборга молик. Шунингдек, замонавий мусиқа ва санъат мактаблари, бу масканларда болаларнинг миллий ва жаҳон мусиқа анъаналарини пухта ўрганиши учун кенг имкониятлар мавжудлиги фестиваль иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Самарқандни соғиниб яшаяпмиз, яна Регистондаги муаззам саҳнада куйлаш бизнинг энг катта орзуимиз.

**Кизхи РЕНГ, «Dunhuang New Words» гуруҳи аъзоси, «Шарқ тароналари» VIII Халқаро мусиқа фестивалининг биринчи ўрин соҳиби (Хитой):**

– «Шарқ тароналари» нафақат миллий, балки умумжаҳон маданияти ва санъатини асраб-авайлаш ҳамда уларнинг тараққиёти йўлида катта хизмат қилмоқда. Бу ҳозирги глобаллашув ва ахборот асрида муҳим аҳамиятга эга. Жаннатмонанд Ўзбекистонда ҳар икки йилда ўтказиладиган мазкур халқаро фестиваль тили, маданияти, миллий қадриятлари ранг-баранг миллат ва элатларни санъат воситаси билан муштарак мақсадлар йўлида бир-бирига яқинлаштиришга улкан ҳисса қўшмоқда.

Регистон майдонида қўшиқ куйлаш ҳар қандай хонанда учун шарафлидир. Фестиваль бизда такрорланмас таассуротлар қолдирган. «Шарқ тароналари» фестивалида ғолибликни қўлга киритган онимизда бизни чулғаб олган чексиз ҳаяжон ва хурсандчилик ҳеч ёдимдан чиқмайди.

Самарқандда кечирган мазмунли кунларимизни ҳеч қачон унутмаймиз. У ерда ўтган ажойиб дамлар, Регистон майдонидаги такрорланмас саҳна, халқингизнинг меҳмондўстлиги юрагимизнинг туб-тубидан жой олган. Самарқанд шаҳри ва «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали бизга энг ёрқин хотираларни ёдга солади. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон аҳолисини яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрами билан чин дилдан қутлаймиз. Ушбу азиз байрам муборак булсин!

**Ирода УМАРОВА,**
**Нодира МАНЗУРОВА**
**интернет орқали ёзиб олди.**

***Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳар бир соҳа ривожига қаратилган бир қатор қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, хусусан «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуннинг ҳаётга татбиқ этилгани эътиборга молик бўлди. Бу каби қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари қонун устуворлигини таъминлаш, суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш, аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоялаш борасидаги фаолият самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Шунингдек, 2014 йил 18 июнда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ижтимоий шериклик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда ва бу борада фаолият юритишда катта аҳамият касб этди.***

# АҲОЛИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИ ОШИРИЛМОҚДА

Маълумки, ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармоқ, ҳудудий дастурларни, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш борасидаги ҳамкорликни амалга оширади. Давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ижтимоий шериклик субъектлари ҳисобланади. Юртбошимиз раҳнамолигида нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор уларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш баробарида зиммасидаги масъулиятни ҳам оширмоқда. Хусусан, ижтимоий шериклик аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қўллаб-қувватлаш ва унинг ижтимоий фаоллигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантириш, бандлигини таъминлаш, атроф-муҳитни, аҳолининг соғлиғини муҳофаза қилиш, истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби бир қатор вазифалар мажбурияти юклатилмоқда.

Шу ўринда айтиш керакки, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот чора-тадбирларининг самарадорлигига эришиш ва таъсирчанлигини кучайтириш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Тадбирлардан кўзланган асосий мақсад, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, улар орасида ҳуқуқбузарлик, қоидабузарлик, безорилик каби жиноятлар содир этишнинг олдини олиш, гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган турли экстремистик гуруҳлар ҳамда «оммавий маданият» иллатларининг зарарли таъсир ва таҳдидидан муҳофаза қилишга қаратилган. Негаки, бугунги глобаллашув жараёнлари, фан ва техниканинг шиддатли тараққиёти баркамол авлод тақдирига янада эътибор билан ёндашишни талаб этади. Ёшларни ҳар томонлама етук инсон сифатида тарбиялаш, уларни юртимиз келажагининг маънавий баркамол, қудратли давомчилари, ҳақиқий интеллектуал қадрият соҳибларига айлантириш эса бир қатор мезонларга асосланади.

Айниқса, замонавий техник ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда профилактик дастурлар, интернет ахборот тармоғида веб-сайтлар, блоглар, чатлар ташкил этиш, электрон адабиётлар тарқатиш каби чора-тадбирларнинг белгилаб қўйилганлиги бу йўналишда амалиётда мавжуд бўлиб келаётган турли тўсиқ ва тушунмовчиликларни бартараф этиш билан бир қаторда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчилар ва унда иштирок этувчи субъектларнинг самарали фаолият олиб боришлари учун ҳуқуқий замин яратади.

**Сабоҳат ЭШМОНОВА,**
**Чилонзор тумани ФҲДЁ бўлими мудираси**

**2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили**

# БАРДАВОМ ҚАДРИЯТЛАР

***Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан «Фарзандлик бурчим» лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.***

Тадбирда Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, Республика таълим маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги «Маънавият ва маърифат» маркази ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф.Муҳамаджонова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳолининг барча қатламини, жумладан, ёши улуғ инсонларни кучли ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ва давлатимиз раҳбарининг шу йил 14 апрелдаги «Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони табаррук нуронийларимизга муносиб турмуш шароити яратиш, уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан амалга оширилаётган «Фарзандлик бурчим» лойиҳаси фахрийларнинг ҳаётий сабоқларидан ўсиб келаётган ёш авлодни кенг баҳраманд этиш, уларнинг оила ва жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлашдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Лойиҳа доирасида ижтимоий фаол ёшлар гуруҳларга бўлинган ҳолда, кексаларнинг ҳолидан хабар олиб, уларга уй-рўзғор юмушларида кўмаклашмоқда. Бундан ташқари, ёши улуғ инсонлар мамлакатимиз ва дунёда бўлаётган воқеалардан хабардор қилиб борилмоқда.

– Нуронийларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос эзгу қадрият, – дейди Сергели туманидаги 284-умутаълим мактаби ўқувчиси Муҳсинжон Неъматжонов. – «Фарзандлик бурчим» лойиҳасида иштирок этиб, буни теран англадим. Маҳалламиздаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ҳолидан хабар олиб, уларнинг уй-жойини тартибга келтириш, маиший шароитларини яхшилашга ёрдам бермоқдамиз. Шу билан бирга, кўча-кўй, ариқлар тозаланмоқда.

**Даврон СУННАТОВ,**
**ЎзА мухбири**



***Олмазор туманидаги Ғани Аъзамов маҳалласи ёшлари ва 185-мактаб қошида ташкил этилган соғломлаштириш оромгоҳидаги болажонлар учун «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида «Тилларни ўрганамиз» ва «Кўчма спорт» тадбирлари ўтказилди.***

# ЮРТИМИЗНИНГ БАХТЛИ АВЛОДИ

Тадбир «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмазор туман Кенгаши томонидан ёз мавсумида вояга етмаган ёшларни соғлом турмуш талаблари асосида ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, болалар орасида спортнинг оммавий турларини кенг тарғиб қилиш, маънавий ҳордиқ олишларини ташкил этиш мақсадида ташкил этилди.

Ўтказилган тадбир давомида ўғил-қизлар фаол иштирок этиб, қанчалик илмли ва эпчил эканликларини намоён этишди.

**(Ўз мухбиримиз)**

# ЭЪЗОЗ БИЛАН КЎНГИЛ ЯШАРАР

***Бу йилни Юртбошимизнинг «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилиши муносабати билан мамлакатимизнинг барча ҳудуд ва гўшаларида, шунингдек, пойтахтимиздаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ҳам кенг миқёсда маданий-маърифий тадбирлар амалга оширилмоқда.***

Боғнинг Марказий саҳнасида «Эъзоз билан кўнгил яшарар» мавзусида ташкил қилинган Ўзбек Миллий академик драма театри кекса санъаткорлари билан ижодий учрашуви, давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Ўзбек Миллий академик драма театрининг кекса санъаткорларидан Ўзбекистон халқ артистлари Малика Иброҳимова, Дилбар Икромова, Турғун Азизов, Эркин Комилов ва бошқалар, ҳаётий лавҳалар асосида жамиятимиз аъзоларининг маънавий-эстетик юксалишга интилишлари, маҳаллаларнинг, ёши улуғларнинг, ота-оналарнинг, санъатнинг юксак маънавиятли ёшлар тарбиясидаги аҳамияти ҳақида фикр юритдилар. Ўзига хос такрорланмас образлар яратган санъаткорлар саҳна асарларидан монологлар ижро этдилар. Шунингдек, ижодий учрашувда Ғ.Ғулом боғи қошида фаолият кўрсатаётган «Улуғбек юлдузлари», «Дурдона» фольклор-этнографик ансамбли хонандалари ижросидаги концерт дастури барчага кўтаринки руҳ бағишлади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

**Ёз — 2015**

# ҚУВОНЧ УЛАШАЁТГАН «ҚАЛДИРҒОЧ»

***Ёзги таътил чоғида болажонлар мириқиб дам олиш билан бирга янги ўқув йилига тайёрланади. Уларнинг соғломлаштириш оромгоҳларида ҳордиқ чиқариши эса жисмоний ва ақлий чиниқиб, янгидан-янги дўстлар ҳам орттириш имконини беради.***

Учтепа туманида жойлашган 245-умумий ўрта таълим мактаби қошида ташкил этилган «Қалдирғоч» номли болалар дам олиш оромгоҳида ҳам болажонларнинг мазмунли дам олиши учун барча шароит яратилган. Бу ерда болаларнинг кундузги вақтини самарали ўтказиш учун кун давомида турли тўгараклар, илмий-амалий байрам тадбирлари ташкил этилмоқда.

Эрталабки бадантарбия машғулотлари болажонларни чиниқишига хизмат қилса, ўтказилаётган маданий-тарбиявий тадбирлар уларнинг билими ва дунёқарашини бойитмоқда. Оромгоҳда ҳар куни 16 та тўгарак ўз фаолиятини олиб боради. Спорт ҳамда фан тўгаракларида қатнашаётган болалар ўзларига керакли билим ва кўникмаларни янада бойитаётгани қувонарлидир. Ҳар бир тўгарак машғулотларига белгиланган тартиб асосида вақт ажратилган бўлиб, бу эса ўз навбатида болаларнинг жисмонан, ҳам ақлан ривожланишини таъминлайди. Ёзги таътил кунларида болаларнинг чиниқиши учун оромгоҳда шахмат-шашка, югуриш, футбол, стол тенниси бўйича мусобақалар мунтазам ўтказилиб келинади. Сув ҳавзаси эса ҳар куни болалар билан гавжум. Айниқса, фан тўгаракларида, жумладан инглиз тили бўйича қизиқарли дарслар ташкил этилган. Унда табиат ҳақида, флора ва фауна оламини инглиз тилида таништиришни турли қизиқарли мультимедиа дарслари ҳам мавжуд.

– Оромгоҳимиздаги барча тўгараклар менга ёқади. Бу ерда дўстларим билан биргаликда жуда кўп тадбир ва спорт мусобақаларига қатнашаман, – дейди Юсуф Маҳмудов. – Айниқса, кутубхонамиздаги рангли эртак китоблар, қизиқарли энциклопедиялар ва болалар журналларидан ўзимга керакли маълумотларни оламан. Машғулотлардан ташқари турли маданият ва истироҳат боғларига ҳам саёҳатга борамиз.

Мажмуада малакали ўқитувчи-мураббийлар фаолият юритади. Ёзги оромгоҳ тарбиячилари орасида Феруза Мақсудова, Муҳаббат Холматова, Сарвара Умарова ҳамда Нодира Мирзаёровалар маскандаги ҳар бир боланинг таътилни сермазмун ўтказишига интилмоқда.

– Оромгоҳимизда уюштирилаётган байрам тадбирлари ва тўгарак машғулотлари ҳар бир бола тарбияси учун муҳим ҳисобланади, — дейди мактаб директори Саида Раҳимова. – Бир қатор маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни тартибга солган ҳолда жорий йилги ёзги мавсум давомида кундузги оромгоҳимизда ҳам янгиланган дастурлар асосида тарбиявий ишларни олиб бориш, ёш авлоднинг маънавиятини юксалтириш, дунёқарашини кенгайтириш, ватанпарварлик ва фидойилик руҳида тарбиялашга оид масалаларни мақсад қилганмиз.

Ҳафта давомида болалар турли концерт дастурлари, музейлар ва ҳайвонот боғига саёҳатга олиб борилади. Бу каби саъй-ҳаракатларнинг барчаси болаларнинг кўзидаги қувонч, юзидаги табассум асло тарк этмаслиги учундир. Зеро эртамиз эгалари бўлган бу ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялаш, уларни она юртга, оилага бўлган меҳр-муҳаббатини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

**Абдулазиз МУСАЕВ**

# ТИНЧЛИК — УЛУҒ НЕЪМАТ

***Бектемир туманидаги «Роҳат» маҳалласида «Ёшлар гиёҳвандлик, жиноятчилик ва терроризмга қарши!» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.***

Тадбир «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши, Республика Маънавият тарғибот маркази туман бўлими, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси, Ўзбекистон психологлар ассоциацияси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Тошкент шаҳар прокуратураси, Ички ишлар бош бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Давра суҳбати давомида ёз мавсумида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, ёшларга дунёдаги нотинчликлар тўғрисида ҳамда Ватанимизнинг тинчлиги ва осойишталигини асраб-авайлаш, одам савдоси ҳамда ёмон иллатларга берилмаслик муҳимлиги тушунтириб ўтилди.

Ёз мавсумида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, ёшларни сиёсий-ҳуқуқий ва диний-маърифий дунёқарашларини шакллантириш, пойтахт ёшлари ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш мақсадида «Ёзни «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида барча туманларда «Ёшлар — гиёҳвандлик, жиноятчилик ва терроризмга қарши!» мавзусида тарғибот-тадбирлари маҳаллаларда ташкил этиб келинмоқда.

— Давра суҳбатини маҳаллаларда ташкил этишдан асосий мақсад ёшларимизни дунёда бўлаётган фожиалардан огоҳ этиш, терроризм, гиёҳвандлик, диний экстремизм ва сепаратизм каби бузғунчи ёт ғоялардан асраш, Ватанимизнинг тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишдан иборатдир, — дейди Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси гуруҳ раҳбари Ҳаётхон Қўчқорова.

Тадбир иштирокчилари мамлакатимизда ёшларга яратиб берилаётган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиш, мустақил юртимизни асраб-авайлашда ёшлар масъулиятни ҳис этишлари лозимлигини таъкидлаб ўтишди.

Тадбир сўнгида йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

# ҲУШЁРЛИК ВА ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

***Мамлакатимизда ёш авлодни она Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром руҳида камол топтириш, уларни маънавиятимизга ёт зарарли ғоялар таъсиридан ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан Чилонзор туманида ташкил этилган «оммавий маданият» хуружи, унинг салбий таъсири, бу иллатдан ёшларни асраш мавзусидаги семинарда алоҳида таъкидланди.

Навқирон авлод ўз билими, кенг тафаккури билан бугун дунёда бўлаётган таҳдидларни теран англайди. Аммо «оммавий маданият» қутқуси миллий маънавият ва маданиятни кемирувчи асосий кушандалиги билан хавфлидир. Шу боис унинг салбий оқибатларини аҳолининг турли қатламларига чуқурроқ етказишда маънавий-маърифий тарғибот тадбирларининг аҳамияти катта.

– Юртимизда маънавий-маърифий муҳитни янада барқарорлаштириш, аҳоли, айниқса, ёш авлодни турли ғоявий ва ахборот хуружларидан сақлаш, ҳушёрлик ва огоҳликка даъват этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, – дейди ЎзА мухбирига Республика Маънавият тарғибот маркази Чилонзор тумани бўлими раҳбари Гулчеҳра Дўсметова. – Бу жараёнда ёшларга интернетдан фойдаланишнинг ижобий жиҳати ва салбий оқибатлари, тарқатилаётган «санъат намуналари»нинг улар тарбиясига таъсири каби масалаларга алоҳида тўхталмоқдамиз.

Семинарда оммавий таҳдидларнинг асл мақсади, бундай салбий иллатларнинг вояга етмаганлар тарбиясига таъсири, миллий қадриятларнинг баркамол авлод тарбиясидаги ўрни каби мавзуларда фикр юритилди. Иштирокчиларни қизиқтирган саволларга мутахассислар жавоб қайтарди.

**Б.МЕЛИҚУЛОВА**

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси Шайхонтоҳур тумани 8-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Саодат Абдужалоловага отаси

**Абдужалол ДУСМАНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Олтинчи босқич: викторина давом этади!

# «СИЗ ТОШКЕНТНИ БИЛАСИЗМИ?»




Мустақил Ўзбекистонимиз танлаган ўз тараққиёт йўлидан дадил одимлаб, юксак марраларни эгалламоқда. Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди ва изчил давом эттирилмоқда. Барпо этилаётган маданий-маъмурий иншоотлар, турар жойлар, йўллар ва кўприклар, хиёбонлар, фавворалар, қайта таъмирланиб, янгича ҳусну тароват касб этган қадимий обидалар, қадамжолар гўзал ва бетакрор шаҳримиз кўркига кўрк қўшмоқда.

Пойтахтимиз жамолини кундан кунга очаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятини, кенг кўламли ўзгариш ва янгиланишлар энг буюк неъмат — Мустақиллик берган имкониятларнинг амалдаги самараси эканини, ватанпарварлик она юртни ўрганишдан бошланишини инобатга олиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Тошкент оқшоми» – «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририяти **«Сиз Тошкентни биласизми?»** викторинасини ўтказмоқда.

Викторинада барча газетхонлар, пойтахт аҳолиси ва меҳмонлар ёши ва маълумотидан қатъий назар, иштирок этишлари мумкин.

Газеталаримизда викторина саволлари эълон қилинади. Кўрсатилган манзилга энг аввал етган тўғри жавоб ғолиб саналади.

Ҳар ўнта саволдан кейин энг кўп тўғри жавоб йўллаган ғолиб аниқланади.

Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилади.

Викторинанинг мутлақ ғолиби Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида аниқланади.

Викторина жавоблари **«Тошкент оқшоми»** – **«Вечерний Ташкент»** газеталари таҳририятига ёки **gazeta-vto@umail.uz**, **info@tashkent.uz** электрон манзилларига йўлланиши лозим.

**Мурожаат учун телефонлар:**
**233-29-33, 233-29-55, 233-45-84.**

*Савол:*
**Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи қачон ишга тушган?**

Спорт янгиликлари

***ФИФА ташаббуси билан мамлакатлар миллий терма жамоаларининг янги рейтинг жадвали натижалари эълон қилинди.***

## РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ

Унда Ўзбекистон миллий терма жамоаси аввалги рейтингдан бир поғона пастлаган ҳолда 75-ўриндан жой эгаллади. Осиёда эса миллий терма жамоамиз Эрон, Япония, Жанубий Корея, Австралия ҳамда БАА дан кейин 6-ўринга лойиқ кўрилди.

Рейтинг жадвалини пешқадам сифатида Аргентина бошқараётган бўлса, кейинги поғоналардан Германия ва Бельгия терма жамоалари жой олишган.

ФИФА томонидан аёллар терма жамоаларининг навбатдаги рейтинги ҳам эълон қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон аёллар терма жамоаси жаҳон миқёсида 45-ўринда, Осиёда эса 10-ўринда бормоқда.

## ОЛИМПИЯЧИЛАРИМИЗ ХАЛҚАРО ТУРНИРДА ҚАТНАШАДИ

***Маълумки, келгуси йилнинг январь ойида Қатарда футбол бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтади. Ушбу нуфузли турнирда юртимиз шарафини Виктор Жалилов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон олимпия терма жамоаси ҳимоя қилади.***

Осиё чемпионатида энг кучли ўйинларни намойиш этиб ярим финалга йўлланма олган олимпия терма жамоаларига Олимпиада йўлланмаси насиб этади.

Виктор Жалилов шогирдлари ушбу нуфузли турнирга пухта ҳозирлик кўриш мақсадида сентябрь ойида Туркия мамлакатига сафар қилади. Туркиянинг Истанбул шаҳри мезбонлик қиладиган халқаро турнирда олимпиячиларимиз омадларини синаб кўришади.

***Футбол бўйича Ўзбекистон Кубоги чорак финалининг дастлабки баҳслари доирасида яна иккита учрашув ўтказилди.***

## ТАКРОРИЙ БАҲСДА ҲАЛ БЎЛАДИ

Қувасойда «Цементчи» «Пахтакор»ни қабул қилди. Қизиқарли ва шиддатли курашлар остида кечган баҳс 2:2 ҳисобида жанговар дуранг билан ниҳоясига етди.

Шунингдек, Жиззах шаҳрида барпо этилган янги стадионда Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси «Сўғдиёна» меҳмони бўлди. Майдон эгалари кучли рақибга муносиб қаршилик қилишга интилишди. Бироқ, тажриба барибир ўз сўзини айтди. Якунда «Бунёдкор» Достон Ҳамдамов томонидан киритилган иккита гол эвазига 2:1 ҳисобида зафар қучди. «Сўғдиёна»дан меҳмонлар дарвозасига Ж.Ҳакимов гол киритди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

## ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИМИЗ БРОНЗА МЕДАЛЬ СОВРИНДОРИ

***Мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама соғлом ва бақувват бўлиб улғайишлари учун спортнинг ҳар қандай тури билан шуғулланишларига кенг имкониятлар яратилган. Ушбу имкониятлардан унумли фойдаланаётган ёш йигит-қизлар жаҳон ареналарида ҳам юқори марраларни забт этмоқда.***

Хусусан, Колумбиянинг Кали шаҳрида бўлиб ўтган енгил атлетика бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати найза улоқтириш бўйича енгил атлетикачимиз Владислав Полюнин учун омадли якунланди. Бир қатор давлатлардан ташриф буюрган жаҳоннинг энг кучли ёш спортчилари орасида истеъдодли атлетимиз Владислав Полюнин бронза медалини қўлга киритди.

Вакилимизнинг моҳирлик билан улоқтирган найзаси 76.77 метр узоқликдаги масофага бориб тушди. Мусобақанинг олтин медали Жанубий Африка Республикаси вакили Пауль Якубс Ботага, кумуш медали эса германиялик Никлас Каулга насиб этди.

**Ботир БЕК**

Шифобахш неъматлар

## ЕРЁНҒОҚНИНГ ШАРОФАТИ

***Кўркам табиатнинг инсониятга илтифотини таърифлаб қиёмига етиш қийин. Табобат олами нафақат ер юзасида мавжуд бўладиган ёки инсониятнинг кафт қўъри билан яратиладиган намуналари билангина эмас, балки ер остида битадиган шифобахш туҳфалари билан ҳам ниҳоятда азиздир.***

Тўғри эмасми, аслида зироаткорларимиздан ерёнғоқни эрмак учун харид этамиз. Ваҳоланки бу чақиб мағзини истеъмол этиладиган неъмат бир қатор шифо берувчи хусусиятларга ҳам эга.

Ерёнғоқ мағзи таркибида 53 фоизга қадар мой, қарийб 37 фоиз оқсил, 8 фоиз қанд, шунингдек, унда пурин, сапонин, пантотен кислотаси, В,Е, белгили дармондорилар, клетчатка-твит, крахмал ва яна бошқа моддалар мавжуд.

Ерёнғоқ мағизлари ўзига хос хушхўрликка, мазага эга бўлиб, маълум даражада тўйимли, қувватбахш маҳсулот ҳисобланади. Ерёнғоқ мағзини хомлигича ёхуд қовурилган ҳолда истеъмол этилади.

Ерёнғоқ мойи қотиб қолмаслиги туфайли бошқа ўсимлик мойларидан ажралиб туради, уни кўпгина қандолат маҳсулотларига қўшадилар. Ерёнғоқнинг мойи олингач, қолдиқ турпида 9 фоиз мой қолади. Мағиз турпи эса тансиқ ҳолва тайёрлашда ишлатилади, шунингдек, ўхшатма шоколад, какао ва қаҳва тайёрлашда саноат миқёсида фойдаланилади. Унда арахин, лигноцерин, стеарин, пальмитин, олеин глициридлари бўлганлиги учун болаларда учрайдиган геморрагик диатез (қон томир деворларининг путур етиши сабабли бирор хасталикни келтириб чиқаришга мойиллик) дардига дармон бўладиган дорилар тайёрланади. Ерёнғоқ мағзи меъда ва ичак касалликларида ични сурадиган, ўраб оладиган, оғриқ қолдирадиган беозор, ботимли дори сифатида истеъмол қилинади. Ерёнғоқ мағзи таркибидаги Е белгили витамин (токферол) мушак фаолиятини уйғунлаштиради, маълум даражада бефарзандликка даво бўлади. Ерёнғоқдаги В белгили витаминлар руҳий иш қобилиятига мадад беради, полиневрит хасталигидан муҳофаза қилади.

Ерёнғоқ мойи одамларда учрайдиган гемофилия (қон плазмасида қонни ивиши учун зарур бўлган қон ивитиш омилларининг етишмовчилиги) хасталигига даво бўлиши учун тавсия этилади. Бунинг учун ерёнғоқ мойидан бир ош қошиқ миқдорида кунига 3 маҳал ичиб туриш тавсия этилади.

Ерёнғоқнинг насл-насаби ҳақида ҳам қизиқиб кўрганмисиз? Ерёнғоқ, хитой ёнғоғи (Arahis — дуккакдошлар оиласи)га мансуб бир йиллик ўсимлик. Ўсимлик поясининг узунлиги 25-75 см атрофида, шохланувчан, ён шохлари ер бағирлаб ўсади. Барглари жуфт-патсимон, гули майда, сариқ ёки зарғалдоқ тусли бўлади. Ўсимликнинг очиқ ва ёпиқ (тупроқ мағзида) гуллайдиган турлари бор. Гули чангланганидан кейин тупроққа кириб, мева-дуккакка айланади. Меваси пилла шаклида, қобиғи ичида 7 тагача уруғи бўлади, уруғи йирик, нукраранг, пушти ёки қизил бўлади.

Ерёнғоқ Жанубий Америка, Осиё ва оддий кенжа турларга бўлинади. Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларида ерёнғоқнинг оддий кенжа тури экиб ўстирилади. Умуман, ерёнғоқ XVI асрда Жанубий Америкадан Осиёга, сўнг Хитой орқали Европага келтирилган. Бизда ҳозир Тошкент-112, Тошкент-32, Краснодар-1708 навлари экилиб улардан салмоқли миқдорда ҳосил етиштирилмоқда. Ўсимликни етиштириш агротехникаси чопиқ қилинадиган экинлар каби, фосфорли ва азотли ўғитларга талабчан. Гектарига уруғи учун 50-90 кг, дуккаги учун 65-115 кг ўғит сарфланади. Суғориладиган ерлардан 40 центнергача, суғорилмайдиган ерлардан 16 центнергача ҳосил олиш мумкин.

Ерёнғоқ каби серхосиятли неъматни нафақат томорқа эгалари томонидан, балки катта фермер хўжаликларида ҳам етиштириладиган бўлса, унинг саноат миқёсида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларидан аксарият аҳоли баҳраманд бўлар эди.

**Маннон НАБИЕВ,**
**доришунос олим**

***Транспорт воситалари билан боғлиқ ёнғинларнинг сабабларини таҳлил қиладиган бўлсак, улар асосан электр симлари эскиргани ёки вақтида таъмирланмаганлиги туфайли содир бўлаётганлигини кузатамиз.***

«101»

## АВТОМОБИЛИНГИЗНИ ЁНҒИНДАН САҚЛАНГ!

Биз аксарият ҳолларда транспорт воситасининг электр қисмларини бутунлай эскириб, яроқсиз ҳолга келгунча ишлатамиз, таъмирлашга келганда устага бормасдан ўзимизча иш қиламиз. Арзимагандек бўлиб кўринган бу ҳолат юқорида эслатганимиздек, катта фалокатларни келтириб чиқаради. Айнан шу кичкинагина носозликни таъмирлаш учун маблағни аяган ҳайдовчи ёнғин содир бўлгач, маблағни бир неча баробар сарфлайди. Келинг, шу жойда яхшилаб ўйлаб кўрайлик, қай бири фойдали? Носозликни мутахассис ёрдамида дарҳол бартараф этишми ёки унинг асоратларидан азият чекишми? Албатта носозликни вақтида таъмирлаш фойдалироқ.

2015 йил 29 май куни Яшнобод тумани, Боткин кўчаси йўл четида «MERSEDES-BENZ BRABUS» русумли автоуловда ёнғин содир бўлди. Ёнғин бартараф этилгандан сўнг мутахассис ёнғин сабаби автоуловнинг мотор қисмидаги электр симларида қисқа туташув оқибатида содир бўлганлигини аниқладилар.

Шунингдек, жорий йилнинг 7 июнь куни Яшнобод тумани, Қорасув кўчаси 13-уй олдида «NEXIA-2» автоуловида ёнғин содир бўлди. Ёнғин сабабларини ўрганиб чиқиш вақтида мутахассислар хабарлаш мосламаси (сигнализация)даги электр симидаги қисқа туташув натижасида содир бўлганини таъкидлаб ўтишди.

Нохуш ҳодисаларнинг олдини олай десангиз, автоуловларингизнинг электр қисмларини ишлаш жараёнини мунтазам назорат қилишдан эринманг, шунда сиз тасодифан содир бўладиган тилсиз ёвнинг олдини олган бўласиз.

**Дилмурод ЭРГАШЕВ,**
**Яшнобод тумани ИИБ ЁХБ инспектори, сержант**


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**
**Тошкент минтақавий филиалида танлов савдосига таклиф этади!**

Танлов савдосига ТИФ «Миллий банк» Тошкент вилоят бўлими томонидан 2015 йил 20 июлдаги № МР-18/3454 буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, 2/2-даҳаси 13-уйда жойлашган, умумий майдони 56,9 кв.м бўлган 3 хонали, балкон 2/6, паркет пол, 40-хонадон қўйилмоқда **Бошланғич баҳоси – 74 404 000 сўм.**

Танлов савдоси 2015 йил 28 август куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2015 йил 27 август куни соат 16:00.

Юқоридаги кўчмас мулк 2015 йил 28 август куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 3, 8, 11 сентябрь кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2015 йил 3 сентябрдаги такрорий савдо учун 2 сентябрь куни соат 16:00; 2015 йил 8 сентябрдаги такрорий савдо учун 7 сентябрь куни соат 16:00; 2015 йил 11 сентябрдаги савдо учун 10 сентябрь куни соат 16:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 20 (йигирма) кун муддат ичида кўчмас мулкларга бўлган ҳуқуқни тасарруф қилиш шартномасини имзолаш ва мулк учун тўловларни савдо кунидан бошлаб 7 (етти) йил мобайнида тўлиқ амалга ошириш шартлари юклатилади.

Талабгорлар савдо кунига қадар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 2 (икки) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг «Ипак йўли банки» АИТБ Сағбон филиалидаги 2020 8000 4049 2060 9021, МФО 01036, СТИР 207122519 ҳ.р.га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Тел./факс: (0371) 228-78-96. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**
**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига АТ «Халқ банк» Тошкент шаҳар филиали Амалиёт бўлимининг 2015 йил 27 июлдаги 1590-сонли буюртманомаси ва АТ «Халқ банк»нинг 2014 йил 11 декабрдаги 131/1-сонли Бошқарув қарорига асосан, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Бунёдкор кўчаси, 6а-уй манзилида жойлашган ер участкасининг умумий майдони 910 кв. метр бўлган 9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 4 513 219 000 сўм**.

**Аукцион савдоси 2015 йил 31 август куни соат 15:00 да бўлиб ўтади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 28 август куни соат 18:00.

Юқоридаги кўчмас мулк 2015 йил 31 август куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2015 йилнинг 15, 30 сентябрь ва 15, 30 октябрь кунлари соат 15:00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 15 сентябрдаги савдо учун 11 сентябрь, 30 сентябрдаги савдо учун 28 сентябрь, 15 октябрдаги савдо учун 13 октябрь, 30 октябрдаги савдо учун 28 октябрь кунлари соат 18:00.

Савдога қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Савдо ғолибига 5 (беш) банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулклар учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Очиқ аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар томонидан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» АИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519 х/рга савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказиладиган ва қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел/Факс: (0371) 228-80-23. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz.

**Тошкент шаҳар Сергели туманидаги 6-Давлат ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби маъмурияти 2015-2016 ўқув йили учун қуйидаги фанлар бўйича танлов асосида бўш иш жойлари (иш ўринлари)га ишга таклиф қилади:**

1. Инглиз тили ва математика (таълим рус ва ўзбек тилида олиб бориладиган синфлар учун).
2. Физика (таълим рус тилида олиб бориладиган синфлар учун).
3. География ва биология (таълим рус тилида олиб бориладиган синфлар учун).
4. Жисмоний тарбия (таълим рус тилида олиб бориладиган синфлар учун).

Манзил: Тошкент шаҳари, Сергели тумани, 2-мавзе, 46-уй.
Телефон: 258-24-64, 257-82-07.


**ЎЗГИДРОМЕТ**
ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **29 июль** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 20-22, кундузи — 36-38 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **29 июль** ва **30 июль** куни эрталаб Тошкент шаҳрининг обҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 755
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 6711 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 14.20
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 4 5